



Олий ва ўрта махсус таълими  
вазирлигининг 2014 йил "23" *ИЯ*  
сон буйруғига 2-илова

Олий таълими бошқарув органлари фаолияти  
тўғрисидаги ахборотлар  
**РЎЙХАТИ**

Қуйидаги ахборотлар Олий таълими бошқарув органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар ҳисобланади:

1. Олий таълими бошқарув органларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

2. Олий таълими бошқарув органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилиши тўғрисидаги маълумотлар;

3. Олий таълими бошқарув органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий, норматив ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар;

4. Олий таълими бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

5. Олий таълими бошқарув органлари томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар;

6. Олий таълими бошқарув органлари томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

7. Олий таълими бошқарув органларининг давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар;

8. Амалга оширилишида Олий таълими бошқарув органлари иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар;

9. Олий таълими бошқарув органларининг фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган тармоқнинг (ҳудуднинг) ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳақидаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;

10. Олий таълими бошқарув органлари томонидан ўтказиладиган (ташқил этиладиган) очик танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

11. Бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

12. Олий таълими бошқарув органлари томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари тўғрисидаги маълумотлар;

Олий таълими бошқарув органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар жумласига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.